



“Тасдиқлайман”

Сурхондарё вилоят Жарқургон туман
тиббиёт бирлашмаси бош шифокори
У.М.Муминов

**Сурхондарё вилоят Жарқургон туман тиббиёт бирлашмасида
стационар шароитда даволанаётган беморларга тайёр иссик овкат етказиб
бериш учун корхона муассасаларнинг танловга қатнашиши учун
ТЕХНИК ШАРТЛАР:**

- Иссик овкат етказиб берувчи ташкилот ва муассаса ходимлари, мутахассислари мавжудлиги, танловдаги ишларни бажариш тажрибасига етарли касбий техникавий малакага эга бўлиши шарт.
- Иссик овкат билан таъминлаш учун озик овкат махсулотларнинг сифати ва сертификатлари мавжуд булиши керак,
- Молиявий имкониятларга шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлиши шарт,
- Иссик овкат етказиб берувчи корхона ва муассасалар Давлат рестиридан руйхатидан утган гувоҳномага эга бўлиши шарт.
- Иштирокчилар томонидан берилган тижорат таклифлар комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади, иштирокчилар билан суҳбат жараёнида иш хизмат кўрсатиш сифати аниқлаб олинади комиссия аъзолари энг арзон таклиф берган иштирокчини танлашга мажбур эмас балки сифатли иш хизмат кўрсатувчи иштирокчи танланиши мумкин ғолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзоланади ва олдиндан 30% тўлов амалга оширилади қолган 70% тўлов иш якунланиб иш хажми, сифати комиссия томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади. Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқга эгаллиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қариздорлиги мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида кайд этилмаганлиги тасдиқловчи маълумотлари бўлиши керак.
- Ижрочилар билан ҳисоб-китоблар миллий валютаимиз сумда тўлаб берилади.

- Танловда иштирок этиш учун таклиф ўзбек тилда тайёрланиши керак.
- Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.
- Тўпламлар сони: 5 кун давомида.
- Хизматларнинг максимал нархи: 20 980 000 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшилган қиймат солиғи билан ёки қўшилган қиймат солиғисиз. Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим. Хизмат кўрсатиш муддати: хар ой календар санаси буйича 30 ёки 31 кун.


Буюртмачи – Сурхондарё вилояти Жарқургон туман тиббиёт бирлашмаси;

Манзил: Индекс.190600, Жарқургон тумани шифокор кучаси 1-уй

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс; Бош шифокорни даволаш ишлари буйича уринбосари комиссия аъзоси Тел.:76-43-27-266

Сурхондарё вилоят Жарқургон туман тиббиёт бирлашмасида стационар ётган беморларга тайёр овкат етказиб бериш Аутсорсинг хизмати бўйича лот муддати тугагандан сўнг барча иштирокчилар ва комиссия аъзолари билан ўтказилади.

Жарқургон туман тиббиёт бирлашмаси

даволаш-ишлар буйича бош шифокор уринбосари  У.Буриев